

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.S.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АКРАМОВ ЖАХОНГИР ДЖУМАНАЗАРОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖРО ҲОКИМИЯТИ ТИЗИМИНИ  
МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШНИНГ ИННОВАЦИОН ОМИЛЛАРИ  
(МАҲАЛЛИЙ ИЖРОИЯ ҲОКИМИЯТИ МИСОЛИДА)**

**23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар**

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по политическим наукам**

**Contents of the dissertation abstract  
of the doctor philosophy (PhD) on political sciences**

**Акромов Жахонгир Джуманазарович**

Ўзбекистонда ижро ҳокимияти тизимини модернизациялашнинг инновацион омиллари (маҳаллий ижроия ҳокимияти мисолида) . . . . . 3

**Акромов Жахонгир Джуманазарович**

Инновационные факторы модернизации системы исполнительной власти в Узбекистане (на примере местной исполнительной власти) . . . . . 27

**Akramov Jahongir Djumanazarovich**

Innovative factors of modernization of the system of executive power in Uzbekistan (on the example of the local executive). . . . . 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works . . . . . 54

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.S.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АКРАМОВ ЖАХОНГИР ДЖУМАНАЗАРОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖРО ҲОКИМИЯТИ ТИЗИМИНИ  
МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШНИНГ ИННОВАЦИОН ОМИЛЛАРИ  
(МАҲАЛЛИЙ ИЖРОИЯ ҲОКИМИЯТИ МИСОЛИДА)**

**23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар**

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.PhD/Siyos89 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.oak.uz](http://www.oak.uz)) ва "Ziynet" Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Джалилов Бахтиёр Хидаевич**  
фалсафа фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Жўракулов Фурқат Норйигитович**  
сиёсий фанлар доктори, профессор

**Муҳаммадсиддиқов Муҳаммадолим Муҳаммадрозиқ ўғли**  
сиёсий фанлар доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат иқтисодиёт университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.S.01.08 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил "15" июль соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (50 - рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎЗМУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (99871) 236-46-55; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2021 йил "2" июль да тарқатилди.  
(2021 йил "2" июль даги 33-рақамли реестр баённомаси).



**Ш.И.Пахрутдинов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, сиёс.ф.д., профессор.

**К.М.Мирзаахмедов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, ф.д.(PhD).

**А.Г.Муминов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, с.ф.д., профессор.

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёнинг ривожланган мамлакатларида давлат бошқаруви тизимига самарали маъмурий механизмларни, инновацион сиёсатни фаол қўллаш амалиёти тобора кучайиб бормоқда. Ислохотларнинг асосий йўналиши сифатида марказий ижро ҳокимиятининг бошқарув тузилмалари ва маъмурий органларининг вазифаларини ўзгартириш, тақсимлаш ва тартибга солиш борасидаги ваколатларини бозор тамойилларига мувофиқлаштириш, хўжалик тузилмалари фаолиятига бевосита аралашувини кескин қисқартиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ушбу ислохотларда ижро ҳокимияти барча бўғинлари фаолиятининг самарадорлигини оширишда жамоатчилик фикрини ўрганиш тизимини такомиллаштириш, ҳуқуқий тартибга солиш, вазифа ва масъулият мазмунининг мос келиши, ўзини ўзи такомиллаштириш чораларини ривожлантириш масалалари долзарблашиб бормоқда.

Ривожланган давлатлар тажрибасида давлат ҳокимиятининг ижроия органлари тизимини модернизациялаш учун бошқарув самарадорлигини баҳолаш технологияларини қўллаш, уларда мақсадли индикаторларга эришишга асосланган давлат ва хусусий сектор ўртасида краудсорсинг ва аутсорсинг хизматларини йўлга қўйишнинг янги механизмларини жорий этиш борасидаги тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, маҳаллий ижроия ҳокимияти фаолиятига инновацион бошқарув технологияларини қўллаш борасида айрим назарий ва амалий муаммолар кузатилиб, етакчи илмий тадқиқот марказларининг изланишларида марказий ва ҳудудий ижроия институтлари ўртасидаги функция ва ваколатларнинг такрорланиши, маҳаллий ижроия ҳокимиятининг маъмурий, молиявий ваколатлари чекланганлиги, фуқаролик жамияти институтларининг ҳудудий ислохотлар жараёнидаги иштироки талаб даражасида таъминланмаганлиги каби муаммолар ечимига ўз эътиборини қаратмоқдалар.

Мамлакатимизда давлат бошқарувининг янги миллий тизимини яратишда маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини номарказлаштириш, маъмурий ислохотлар асосида жавобгарлик, ҳисобдорлик, масъулият орқали халқ манфаатларининг устуворлигини таъминлаш муҳим вазифалар этиб белгиланди. “Жойларда ижро ва вакиллик органларининг давлат бошқарувидаги роли ва масъулиятини янада ошириш зарур. Ҳокимлар охириги уч йилда уларга берилган кенг ваколатлардан қанчалик самарали фойдаланаётганини, вазирлик ва идораларнинг ҳудудий тузилмалари фаолияти натижадорлигини назорат қилиш бўйича янги тизим яратиш шарт”<sup>1</sup>. Бу борада аҳолига кўрсатилаётган давлат хизматларининг сифат даражасини ошириш, бошқарув жараёнларини инновацион ривожлантириш, унинг ҳар бир бўғинида функция ва ваколатларни манзилли, аниқ ташкилий-ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш мазкур масаланинг долзарблигини ифодалайди.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. 2020 йил 25 январь. № 19 (7521). – Б. 3.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини Инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2019 йил 9 декабрдаги ПҚ-4546-сон “Бюрократик тўсиқларни янада қисқартириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойилларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. “Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва либераллаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистонда маҳаллий ижроия ҳокимияти тизимини модернизациялаштиришга доир назарий ҳамда амалий ғоялар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан илгари сурилган “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” ғояси асосида мамлакатда давлат ҳокимияти органларини модернизациялаш ва номарказлаштириш мақсадида 2017 йил 8 сентябрда “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси” ишлаб чиқилди ва унинг концептуал вазифалари амалиётга жорий этилмоқда. Мазкур концепция ўзида давлат бошқарувининг концептуал янги миллий моделини намоён қилиб, илмий ишимизнинг методологик асоси бўлиб хизмат қилган.

Давлат бошқаруви, жумладан, ижро ҳокимиятини модернизациялаш ва бу борада инновацияларни давлат бошқарувида фаол қўллаш, янгича давлат бошқаруви йўналишида тадқиқот олиб борган хорижий олимлардан: Ж.Шумпетер, Д.Осборн, Т.Геблер, Б.Льюис, К.Поллитт, Ж.Бьюкарт, М.Вест, Ж.Фарр, П.Блант, Ж.Вайт<sup>2</sup> ва бошқаларнинг ишларини кўрсатишимиз мумкин.

МДХ доирасида давлат бошқарувини, шу жумладан, давлат ҳокимиятини модернизациялаш ва глобаллашув жараёнида инновацияларни сиёсий нуқтаи назардан ўрганган олимлардан Г.Атаманчук, Х.Хачатурян, И.Василенко, Д.Степаненко, В.Кононов, Д.Кокорин, Б.Смирнов, Д.Ремизов, Ю.Емельянов, А.Осипова, Л.Гордеев, В.Кононов, А.Фонотов, Е.Луговая, У.Богачев, Р.Скудняков, И.Домбровская, А.Сибиряев, В.Сергеев<sup>3</sup> ва бошқаларнинг тадқиқотлари алоҳида аҳамият касб этади.

<sup>2</sup> Мазкур олимларнинг асарлари диссертациянинг “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати” қисмида келтирилган.

<sup>3</sup> Мазкур олимларнинг асарлари диссертациянинг “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати” қисмида келтирилган.

Ушбу мавзуда бир қатор олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, ўтиш даври ва модернизация шароитидаги миллий давлатчиликнинг генезиси, эволюцияси ва ижтимоий парадигма сифатида шаклланиш қонуниятлари М.Раҳмонқулов, Т.Жўраев, С.Отамуратов, И.Эргашев, Ш.Пахрутдинов, Н.Жўраев, А.Рахмонов, Қ.Қуранбаев, Ф.Мусаев, А.Қодиров, Н.Маматов, А.Мўминов, Т.Алимардонов ва Ф.Равшанов каби олимларнинг тадқиқотларида ёритилган.

Ўзбекистонда маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари тизимини демократлаштириш ёки номарказлаштиришга доир назарий жиҳатлар А.Орипов, Б.Жўраев, А.Бегматов, С.Долиев, Р.Мадиримов, О.Т.Хусанов, М.Қирғизбоев, Р.З.Жумаев, Ш.Жалилов, М.Қориева, Ф.Жўрақулов<sup>4</sup> каби сиёсатшунос ва ҳуқуқшунос олимлар томонидан тадқиқ этилган. Мазкур олимлар давлат марказий ва маҳаллий ижроия ҳокимияти тизимининг ҳуқуқий, сиёсий, ташкилий масалаларига, бу соҳада Ўзбекистонда тобора чуқурлашиб бораётган ислоҳотлар жараёнида жойлардаги маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг роли, улар фаолиятининг такомиллашиб бориши, бошқарув жараёнига янгича ёндашувлар йўналиши бўйича тадқиқотлар олиб боришган. Шунингдек, улар томонидан номарказлаштириш ислоҳотларида маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари билан ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги шериклик, ҳокимларнинг маҳаллий вакиллик органлари олдидаги масъулиятини ошириш каби жиҳатлар таҳлил этилган.

Янги Ўзбекистонда давлат бошқаруви, хусусан, ижро ҳокимияти тизимини модернизациялаш масалалари сиёсий фанлар нуқтаи назаридан: Ф.Жўрақулов, Р.Жўраев, К.Мирзаахмедов, А.Абдухалилов, А.Назаров, Б.Бердиев, Ж.Юсупов, А.Юсупов<sup>5</sup> сингари ёш тадқиқотчилар томонидан ўрганилган.

Юқорида номлари келтирилган тадқиқотчи олимлар томонидан ижроия ҳокимияти фаолиятининг самарадорлигини ошириш юзасидан назарий ва амалий жиҳатдан муайян натижаларга эришилган. Бироқ ушбу натижалар бугунги кунда янада ривожлантирилиши лозим, хусусан, Ўзбекистон Республикасида маҳаллий ижроия ҳокимияти тизимини демократлаштиришда аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш тартибларини оптималлаштириш ва замонавий инновация шаклларини жорий этиш зарурати алоҳида тадқиқот мавзуси сифатида етарлича ўрганилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг ПЗ-20170928696-сон “Ўзбекистонда ислоҳотлар жараёнини таҳлил этиш ва амалга оширишнинг концептуал-фалсафий методологияси (Ҳаракатлар стратегияси асосида)” мавзуидаги амалий грант лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистонда маҳаллий ижроия ҳокимияти

<sup>4</sup> Мазкур олимларнинг асарлари диссертациянинг “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати” қисмида келтирилган.

<sup>5</sup> Мазкур олимларнинг асарлари диссертациянинг “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати” қисмида келтирилган.

органлари фаолиятига инновацион бошқарув технологияларини жорий этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

маҳаллий ижроия ҳокимияти тизимининг шаклланиши ва ривожланишига хос илмий-назарий концепцияларни таҳлил қилиш;

Ўзбекистонда маҳаллий ижроия ҳокимияти ва унинг институциявий шаклланиш йўналишларига сиёсий баҳо бериш;

Ўзбекистонда маҳаллий ижроия ҳокимияти тизимидаги демократик ислохотларнинг асосий босқичлари ва ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

Ўзбекистонда маҳаллий ижроия органлари фаолиятига инновацион бошқарув технологияларини қўллашнинг сиёсий, ҳуқуқий асосларини ёритиш;

маҳаллий ҳудудларда ижроия органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ижтимоий шериклик муносабатларини баҳолаш;

маъмурий ислохотлар орқали маҳаллий ижроия ҳокимияти тизимига инновацион сиёсатни қўллаш жараёнларини ёритиш;

вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларининг фаолияти шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш, аҳоли ижтимоий-иқтисодий муаммоларини бартараф этишдаги жавобгарлик, масъулият даражасини ошириш йўналишлари бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объектини** маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини модернизациялаш, инновацияларни жорий этиш жараёнлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предметини** Ўзбекистонда маҳаллий ижроия органлари фаолиятини инновацион баҳолаш усуллари, воситалари ва сиёсий механизмлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда тарихийлик, мантиқийлик, анализ ва синтез, қиёсий таҳлил, моделлаштириш, прогнозлаш каби усуллар ҳамда тизимли, функционал ёндашувлардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги** куйидагилардан иборат:

маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини оширишда бенчмаркинг (баҳолаш ва таққослаш), бенчфьючинг (истикболни моделлаштириш), бенчрейсинг (мақсадга эришиш йўли), лойиҳавий бошқарув инновацион технологияларини қўллаш зарурати очиб берилган;

вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларининг халқ депутатлари Кенгаши раиси функционал мақомини бекор қилиш тартиби, маҳаллий вакиллик ва ижроия органлари ўртасида ўзаро тийиб туришнинг сиёсий, ҳуқуқий консенсус меъёрлари илмий асосланган;

маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг аҳоли ижтимоий муаммоларини бартараф этиш, иқтисодий инвестицияларни жалб қилиш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бандликни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдаги функцияларининг динамикаси, ҳудудий мослашувчан инновацион сиёсатнинг шакллари очиб берилган;

маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятига краудсорсинг



(ташқи ташкилотлар ресурсларидан фойдаланиш), аутсорсинг (ташқи ресурслар - хусусий ва нодавлат хизмат кўрсатиш шакллари) каби замонавий менежмент усуллари қўллаш орқали тизимли-институционал, функционал механизмлари такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

тадқиқот натижалари Ўзбекистон Республикасида маҳаллий ижроия ҳокимияти тизими самарадорлигини янада ошириш дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширилишини мониторинг қилишда жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорликнинг замонавий шакллари жорий этишнинг чоратadbирлари дастури сифатида хизмат қилади;

тадқиқот натижалари сифатида шакллантирилган хулосалар, таклифлар ва тавсиялар давлат бошқарувини босқичма-босқич, маҳаллий давлат хизматлари кўрсатиш тартибларини оптималлаштириш ва содаллаштиришни таъминлайдиган инновацион бошқарув шакллари жорий этиш тамойиллари диссертация ишининг амалий аҳамиятини ташкил этади.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги халқаро ҳамда республика миқёсидаги илмий-амалий конференциялар материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатига киритилган махсус ва хорижий мамлакатлар журналларида чоп этилган мақолалар, хулоса, амалий таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот давомида олинган натижаларнинг илмий аҳамияти маҳаллий ижроия органлари фаолиятини модернизациялашда инновацион технологияларни қўллаш, соҳа ислохотларининг илмий асосда бўлишини таъминлашга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ушбу тадқиқот натижасида олинган илмий хулосалардан 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган назарий ва амалий вазифаларни бажаришда, давлат ҳокимияти органларини ривожлантириш мақсадида ўтказилаётган ислохотлар ва олиб борилаётган ишларни ҳуқуқий таъминлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда, диссертация мавзуси билан боғлиқ муаммоларни илмий тадқиқ этишда, олий таълим тизимида фуқаролик жамияти ва давлат бошқаруви шаклларида оид мавзуларни ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистонда ижро ҳокимияти органлари фаолиятини модернизациялашда инновацион технологияларни қўллаш жараёнини ўрганиш натижасида ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини оширишда бенчмаркинг (баҳолаш ва таққослаш), бенчфьючинг (истикболни моделлаштириш), бенчрейсинг (мақсадга эришиш йўли), лойиҳавий бошқарув инновацион технологияларини қўллаш зарурати очиб

берилганлиги борасидаги илмий янгилик асосидаги таклиф ҳамда тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 4-бандидаги: “Давлат бошқаруви органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш” ва 5-бандидаги: “Ўрта ва қуйи бўғин бошқарув идораларининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш” вазифалари ижросини таъминлашда фойдаланиб келинмоқда (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг 2021 йил 22 июндаги 4-13-23-1682-сон маълумотномаси). Натижада, бошқарувнинг инновацион моделлари асосида маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини олиб бориш, туман, шаҳар, вилоят ҳокимларининг масъулиятини ошириш, халқ билан мулоқотнинг натижадорлигини кучайтиришга хизмат қилган;

вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларининг халқ депутатлари Кенгаши раиси функционал мақомини бекор қилиш тартиби, маҳаллий вакиллик ва ижроия органлари ўртасида ўзаро тийиб туришнинг сиёсий, ҳуқуқий консенсус меъёрлари илмий асосланганлиги бўйича илмий янгиликларидан Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий кенгашининг 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 6-бандида белгиланган: “Маҳаллий ижро ва вакиллик органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш” вазифасини бажариш бўйича “Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий кенгашининг 2021 йил 22 июндаги 01-27/493-сон маълумотномаси). Натижада, маҳаллий ижроия органлари ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш ва жойларда қарорлар ижросини тўлиқ таъминлаш орқали халқнинг легитим сиёсий институтига айланишига хизмат қилган;

маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг аҳоли ижтимоий муаммоларини бартараф этиш, иқтисодий инвестицияларни жалб қилиш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бандликни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдаги функцияларининг динамикаси, ҳудудий мослашувчан инновацион сиёсатининг шакллари очиқ берилганлиги бўйича илмий янгиликлари асосидаги таклиф ва тавсияларидан Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги томонидан Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига ID-46515 рақамли “Ижтимоий ҳимояга мухтож ёшларни қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарори лойиҳасини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар

ишлари агентлигининг 2021 йил 22 июндаги 4-13-23-1682-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу диссертациянинг хулосалари ва амалий тавсиялари Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги фаолияти тизимида иш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятига краудсорсинг (ташқи ташкилотлар ресурсларидан фойдаланиш), аутсорсинг (ташқи ресурслар - хусусий ва нодавлат хизмат кўрсатиш шакллари) замонавий менежмент усулларини қўллаш орқали тизимли-институционал, функционал механизмлари такомиллаштирилганлиги бўйича илмий янгилик асосидаги таклиф ҳамда тавсиялари Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий кенгашининг 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 4-бандида белгиланган “Давлат бошқаруви органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш” вазифасини бажариш бўйича махсус “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқишда фойдаланилди (Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий кенгашининг 2021 йил 22 июндаги 01-27/493-сон маълумотномаси). Натижада, бошқарувда самарали маъмурий воситаларни қўллаш орқали фуқароларнинг давлат ва жамият бошқаруви жараёнидаги фаоллигини ошириш, юксак маънавиятли, қатъий ҳаётий позиция эга, ташаббускор, билим ва салоҳиятини сафарбар қиладиган, мамлакат истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир давлат хизматчилари сафини кенгайтириш каби стратегик вазифаларнинг ишлаб чиқилишига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро, 5 та республика илмий-назарий ва илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларнинг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиши тавсия этилган нашрларда 5 та мақола, жумладан 2 та хорижий журналда, илмий конференция материаллари тўпламларида 9 та, жумладан халқаро конференцияларда 4 та ва маҳаллий конференцияларда 5 та мақола чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, унинг ҳажми 160 саҳифани ташкил қилади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, илмий янгилиги,

амалий натижалари ва уларнинг ишончилиги ҳамда илмий ва амалий аҳамияти тавсифланган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Маҳаллий ижроия ҳокимияти тизимини тадқиқ этишнинг концептуал-методологик асослари”** деб номланган. Давлат ва маҳаллий бошқарувнинг илмий-назарий асосларини тадқиқ этишда унинг таркибий қисмлари бўлган “давлат”, “бошқарув”, “маҳаллий ҳудуд”, “маҳаллий ҳокимият органи” тушунчалари мазмунини тўғри англаш катта аҳамиятга эга. Айниқса, шу даврга қадар “бошқарув” тушунчасига кўплаб шарҳлар берилган бўлиб, натижада, ушбу тушунча бугунги кунда турли хусусиятлар, муносабатлар ва жараёнларнинг чексиз хилма-хиллигини асосламоқда. Давлат бошқаруви тизими - жамият эҳтиёжлари ҳамда миллий манфаатлар эволюциясини мос равишда ўзида акс эттириши, қолаверса, давлат ва маҳаллий бошқарув жараёнларини ташкил қилиш тамойилларининг илмий-методологик асосланганини билиш учун ушбу тизимдаги сиёсий тадқиқот усулларини чуқур ўрганиш зарурияти келиб чиқади. Жумладан, ушбу тизим фаолиятини ўрганиш асосида унинг амалий жараёнлар билан етарли даражадаги муштараклигига эришиш ҳамда давлат ва маҳаллий бошқарув тизимини янада такомиллаштириш борасидаги самарали бошқарув тадбирларини ишлаб чиқиш мумкин. Бунда, бир томондан, айнан маҳаллий бошқарув борасидаги мавжуд вазифаларнинг бажарилиши учун илмий асосга эга бўлган амалиёт зарур бўлса, иккинчи томондан, инновацион бошқарув сиёсати назариясини ривожлантириш ҳамда бу борадаги илмий тадқиқотлар натижаларини доимий равишда тизимлаштириб бориш талаб қилинади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти органлари тизимида ижроия ҳокимияти билан боғлиқ амалий ислохотларни янада ривожлантириш учун зарур бўлган барча имкониятлар мавжудлигини қайд этиш мақсадга мувофиқдир. Мазкур имкониятлардан бири, энг аввало, бошқарув назарияларига оид тарихий, сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий илмий манбаларнинг мавжудлигидир. Ҳозирги кунда маҳаллий бошқарув жараёнларини демократлаштиришда сиёсий тажрибани ҳар томонлама тадқиқ этиш, хусусан, Шарқ ва Ғарб анъаналарига хос бошқарувнинг маҳаллий, минтақавий хусусиятларига хос замонавий концепцияларни қиёсий ўрганиш асосида самарали инновацион бошқарув моделлари ҳамда стратегик ривожланиш дастурларини амалиётга татбиқ этиш масаласи ҳар бир давлатнинг миллий тараққиёти учун зарур бўлиб, у ҳам амалий, ҳам назарий аҳамият касб этмоқда. Биринчи бобда ҳозирги даврга қадар маҳаллий бошқарув соҳасида тадқиқ этилган илмий назариялар, ёндашувлар, амалий концепцияларнинг мазмун-моҳияти, тараққий этиб бораётган давлатларда маҳаллий бошқарув тизимининг методологик асослари очиқ берилади.

Ижро этувчи ҳокимият – давлат оммавий ҳокимиятининг мустақил тури

бўлиб, қонун ости тартибга солиш, ташқи сиёсатда вакиллик қилиш, маъмурий бошқарувни амалга ошириш каби давлат ишларини бошқариш билан боғлиқ ваколатлар мажмуини ифодалайди. Шундай қилиб, ижро этувчи ҳокимият ўзида ушбу ваколатларни амалга оширувчи давлат органлари тизимини ифодалайди. Ижро этувчи ҳокимиятнинг асосий мақсади жамият манфаатларини, аҳоли эҳтиёжларини қаноатлантиришга қаратилган бошқарув фаолияти жараёнида Конституция ва қонунларнинг амалда татбиқ этилишини ташкиллаштиришдан иборат.

Ҳар бир давлатнинг маҳаллий бошқарув сиёсати давлатнинг мамлакат ҳудудида қабул қилинган давлат ривожланиш стратегиясига мувофиқ ташкил қилиш сиёсатининг ажралмас узвий қисми бўлмоғи лозим. Маҳаллий бошқарув сиёсатининг объектив омиллари: мамлакат маконининг табиий-географик, ресурс, иқтисодий, ижтимоий, этник ва сиёсий жиҳатдан бир хил эмаслиги саналади. Бу каби бир хил эмаслик исталган тадбирни маҳаллий ҳудуд манфаатлари ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширишга мажбур этади.

Маҳаллий ҳокимият органлари тегишли ҳудудда қонунийлик, ҳуқуқий тартибот ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашда турли органларни шу мақсад сари йўналтирувчи, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи роль ўйнайди. Улар мазкур ҳудудда қонунийликни, ҳуқуқий-тартиботни мустаҳкамлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш чораларининг умумий йўлларини, тадбирларини ишлаб чиқади ва шу тадбирларнинг бажарилишини назорат қилади. Маҳаллий ҳокимият органларининг бу соҳадаги ваколатлари жорий қонун ва бошқа ҳужжатларда белгилаб қўйилган.

Маҳаллий ҳокимият органлари ўз ҳудудини иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантиришга раҳбарлик қилади. Ўзбекистон Республикаси бозор иқтисодига ўтиши муносабати билан иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳаларни режалаштириш тубдан ўзгарди. Лекин ҳозирги даврда Ўзбекистон шароитидан келиб чиқиб, давлат ислохотларда бош ролни ўйнар экан, у ишлаб чиқаришга аралашмаган ҳолда, халқ депутатлари Кенгашлари орқали ҳудудни ривожлантиришнинг истиқболга мўлжалланган дастурларини, туман, шаҳарнинг бош режаси ва уни куриш қоидаларини тасдиқлайди. Булар Кенгашнинг тасдиғига ҳоким томонидан киритилади. Яъни “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонун бу соҳадаги вакиллик органлари билан ҳокимларнинг ваколатини чегаралаб қўйган. Бундан ташқари, маҳаллий ҳокимият органлари ўз ҳудудида саноат, қурилиш, алоқа воситалари, қишлоқ хўжалиги, аҳолига турли хизмат кўрсатиш соҳалари, ижтимоий соҳаларга, маданий соҳаларга бевосита раҳбарликни амалга оширади. Шу идораларнинг раҳбарларини лавозимга тайинлаш, лавозимидан озод қилиш, шу идораларнинг фаолиятини назорат қилиш, уларнинг раҳбарлари ҳисоботларини эшитиш маҳаллий ҳокимият органларининг ваколатига кириб, бу ҳам раҳбарликнинг бир шаклидир. Шу билан биргаликда, маҳаллий ҳокимият органлари тегишли ҳудудда жойлашган,

лекин юқорига бўйсунувчи корхона, ташкилот, муассаса фаолиятига ҳам таъсир қила олади. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳани ривожлантиришга раҳбарлик қилиш бўйича аниқ вазифалари ҳамда ваколатлари жорий қонунларда ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган.

Давлат бошқаруви соҳасида турли ислоҳот ва ўзгаришлар натижасида XX асрнинг охирига келиб, давлат “бошқарувчи” эмас, “иштирокчи”лардан бири эканлиги яққол намоён бўла бошлади. Бу борада давлатнинг вертикал бошқарувдан давлат ҳокимияти идоралари, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлиги, яъни горизонтал тартибга ўтганлигини кўрсатиш мумкин. Бу, ўз навбатида, давлат қарорлари қабул қилиниши жараёнида барча манфаатдор томонларнинг иштирок этишига олиб келди.

Давлат секторидаги турли ўзгаришлар, ислоҳотларнинг миқёси ва давомийлиги бошқарув самарадорлигини мунтазам тарзда баҳолашни мураккаблаштиради. Фикримизча, бу бир нечта омиллар билан боғлиқ. Жумладан: а) давлат бошқаруви тузилмасининг кўп томонламаллиги; б) қўйилган вазифаларнинг стратегик ва тактик аҳамиятга эгаллиги; в) давлатнинг ўз олдида қўйган мақсад-вазифаларига эриша олиш лаёқати.

Диссертацияда Ўзбекистонда давлат бошқарувини ислоҳ қилиш жараёнида яқка тартибдаги ёндашувлар доирасидан ташқарида кўпроқ жиддий тадқиқотларни ўтказиш зарурлиги таъкидланади. Бунда назарий нуқтаи назардан унга асосий ислоҳот парадигмалари ва уларни амалиётда қўллаш юзасидан таклифлар илгари сурилади (Янги давлат бошқаруви – New Public Management, Жамоатчилик бошқаруви – Public Governance ва Янги Веберча давлат – Neo-Weberian State).

Диссертацияда инновацион сиёсат ва сиёсий инновациялар ғояларининг моҳияти, буларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро бир-биридан келиб чиқишига эътибор қаратилган. Инновацияларнинг иқтисодий моҳияти уларни тижоратга жорий этишдан иборат бўлса, бунинг сиёсий моҳияти эса, муайян бошқарув амалиётидан (давлат ҳокимияти органлари тизимидаги технологиялар, тузилма, хизмат) ва буни давлат бошқаруви органлари фаолиятига тизимли тарқатишдан иборатдир. Диссертацияда фақат иқтисодий омиллар амалда бўлган даврдаги инновацион сиёсат ҳақида эмас, балки улар сиёсий омилларнинг ортиб бораётган таъсири билан бирга кечаётган жараёнлар таҳлил қилинди. Биринчидан, бу – жаҳондаги сиёсий тизимларнинг ялпи демократлашуви, бошқарувнинг иерархик шаклидан марказ тасарруфидан чиқарилган шаклига ўтишидир. Иккинчидан, кластерли “кутбли” тамойилларга ўтиш ҳисобига сиёсий жараёнларни бошқариш самарадорлигининг ортиши. Учинчидан, инновацияларни жалб қилиш жараёнидаги давлатнинг ролини ва унинг мазкур жараёнга жалб қилинганлик даражасини қайта мулоҳазадан ўтказишдир.

Диссертацияда “сиёсий инновациялар” тушунчасига таъриф берилар экан, буни давлат сиёсатининг турли йўналишларида янгиликларни киритиш

йўли билан сиёсий тизимнинг самарадорлиги ва ошкоралигини оширишга йўналтирилган давлатнинг мақсадга йўналтирилган фаолияти сифатида тушуниш лозим. Сиёсий тизимни демократлаштириш, сайлов қонунчилигини эркинлаштириш, ваколатларни маҳаллий ҳокимиятнинг қўйи даражаларига тақдим этиш, иқтисодий сиёсатда тадбиркорликка қўйилган солиқ юкини камайтириш, транспорт соҳасига молиялаштиришни кучайтириш ва бошқалар сиёсий инновацияларга мисол бўлиши мумкин. Сиёсий инновациялар давлат ҳокимияти органларининг атроф-муҳит билан ўзаро ҳаракати, ушбу ўзаро ҳаракат жараёнида ўзгарадиган ўзига хос ички муҳит мавжудлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқилиши лозим бўлган очиқ тизими сифатида баҳоланади.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Ўзбекистонда маҳаллий ижроия ҳокимияти тизимини модернизациялаш механизмлари”** деб номланган.

Ўзбекистон Республикасида ижро ҳокимияти тизимининг қўйи бўғинини ташкил этувчи маҳаллий давлат ҳокимиятини мустақиллик йилларида ислоҳ қилиш, уларнинг фаолиятини яхшилаш зарурати долзарб масала бўлиб қолди. Чунки Ўзбекистон Республикасида Собиқ иттифоқдан андоза олиб жорий қилинган ва узоқ вақтлар давомида ижро этувчи, фармойиш берувчи орган ҳисобланган халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетлари замон талабларига, умуман, жавоб бермай қўйган эди. Улар партия органларининг кучли таъсири остида бўлиб, ўзлари ҳеч нарсани мустақил ҳал қила олмай қолган эдилар. Кўриниб турганидек, юқоридаги ушбу муаммоларни маъмурий-буйруқбозлик тизими ҳукмронлиги ҳолатида ечиш мумкин эмас эди. Булар, ўз навбатида, маҳаллий бошқарув тизимини ислоҳ қилишни Республика раҳбарияти олдига долзарб мавзу сифатида қўйган эди.

Узоқ вақт давомида маҳаллий ижроия органлари ўзларига берилган муҳим вазифаларни етарли даражада бажара олмади. Ана шу сабаблар маҳаллий ижроия органларининг янги тизимини вужудга келтиришни тақозо этди. Бундай орган ҳокимлар бўлди.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг эълон қилиниши унинг олдида давлат қурилиши соҳасида қатор йирик муаммоларни кўндаланг қилиб қўйди. Бундай муаммолардан дастлабкиси давлат бошқаруви тизимида ислоҳотларни ўтказиш, яъни сиёсий модернизацияни амалга оширишга бўлган эҳтиёж эди. Чунки Совет иттифоқи парчалангач, у суянган тоталитар бошқарув тузуми таназзулга юз тутиб, халқнинг ҳокимиятга бўлган ишончи тобора йўқолиб бормоқда эди. Бундай даврда бошқарув тизимини ислоҳ қилиш мамлакатнинг тикланиши йўлидаги муҳим кадам эди.

Диссертациянинг иккинчи бобида мустақиллик қўлга киритилгач, Ўзбекистонда ижро ҳокимияти тизимининг муҳим бўғини бўлмиш маҳаллий ижроия ҳокимияти соҳасида эски маъмурий-буйруқбозлик тизимини, унга мувофиқ бўлган ҳокимият ва бошқарув органларини тугатиш ҳамда янги давлатчиликнинг сиёсий-ҳуқуқий, конституциявий асосларини яратиш,

Конституция ва қонунларда ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг янги тизимини, давлат ҳокимияти органларининг янги тизимини мустаҳкамлаш жараёнлари таҳлил қилинган. Мазкур жараёнлар давлат ва жамият бошқаруви тизимини, хусусан, маҳаллий ижроия ҳокимияти тизимини такомиллаштириш давлат бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий тузилмаси, вазифалари ва функцияларини қайта кўриб чиқишдан бошланди.

Диссертацияда давлат бошқаруви ислохотларини амалга оширишдаги мавжуд умумжаҳон тенденциялари ва механизмлари таҳлил қилинган бўлиб, уларни мамлакатимиз сиёсий ҳаётида қўллаш фойдадан холи бўлмайди. Диссертант фикрича, давлат ва маҳаллий ҳокимият фаолияти сифатини оширмасдан туриб жадал ўзгараётган оламда мамлакатнинг рақобатбардошлигига эришиш, ижтимоий фаровонлик ва хизматларга бўлган эҳтиёжнинг тегишли даражасини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш учун маъқул шароитларни яратишнинг имкони йўқ. Шундан келиб чиқиб, диссертацияда давлат ижро ҳокимияти тизимини модернизациялашнинг асосий йўналиши ёки негизини ташкил этган номарказлаштиришга қаратилган маъмурий ислохотлар борасида Франция, Буюк Британия, Германия ва Швеция давлатлари тажрибаси, Шимолий Америка давлатларида қўлланилган усуллар ўрганилган.

Диссертацияда маъмурий ислохот институционал ўзгаришларнинг кенг қиррасига, ижро ҳокимиятининг янгича механизмлари ва технологияларини барпо этишга мўлжалланган бўлиши ва мазкур соҳада натижалар янада сезиларли ва кенг кўламли бўлиши учун бошқарув тизимларидаги ўзгаришларни изчил жамлаб бориш зарурлиги асосланади.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш борасидаги вазифаларни амалга ошириш жараёнида кейинчалик қабул қилинган кўплаб қонунлар ва қонуности ҳужжатлари, хусусан, Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясининг бош назарий-ҳуқуқий мезони бўлиб хизмат қилаётгани асосланади. Маҳаллий ижроия ҳокимияти тизимидаги сиёсий инновациялар концепциянинг ҳар бир йўналиши бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, соҳанинг ташкилий-ҳуқуқий асосларисиз, оптималлаштирмасдан туриб тизимга инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этиб бўлмаганидек, инновацияларни қўлламай туриб, концепциянинг бошқа йўналишларини ҳам амалиётга самарали татбиқ қилиш қийин кечади.

Ушбу концепцияни муваффақиятли амалга ошириш орқали давлат бошқарувининг концептуал янги моделини шакллантириш алоҳида аҳамият касб этади. Махсус “Йўл харитаси” асосида 100 дан ортиқ давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолиятини қайта кўриб чиқиш белгиланди. Биргина 2017 йилнинг ўзида давлат бошқаруви тизимида янги замонавий ғояларни татбиқ этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси ижро этувчи ҳокимияти тузилмаси қайта кўриб чиқилди, 18 та вазирлик ва идораларнинг вазифа



хамда функциялари такомиллаштирилди, 24 та давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда бошқа ташкилотлар қайта ташкил этилди.

Маъмурий ислоҳотлар концепцияси истиқболда: инновацион ривожланишнинг умумжаҳон тенденцияларига жавоб берадиган давлат бошқаруви тизимини яратиш, уни бюрократиядан холи қилиш ва бошқарув қарорлари қабул қилиш тизимининг фаолият самарадорлиги ва шаффофлигини ошириш, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар тизимини жорий этиш, жамоатчилик ва парламент назоратининг, энг аввало, коррупция кўринишларининг олдини олишга қаратилган самарали шакллари жорий этиш, “Электрон ҳукумат” тизимини такомиллаштириш орқали давлат хизматлари кўрсатишнинг самарадорлигини ошириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Кўпгина давлат сектори назариётчилари давлат бошқарувидаги инновацияларнинг зарурлигини инновацион концепциянинг ривожланиши ҳамда модернизация жараёнларининг асосий кўрсаткичи сифатида ажратиб кўрсатишган. Ижро ҳокимияти соҳасидаги инновациялар бошқарувдаги энг зарур ўзгаришларни амалга оширишга, ташкилий-стратегик тизимларни ўрнатишга ва янги ресурсларни жалб қилишга йўналтирилади. Кўплаб хорижий мамлакатларда инновацияларнинг имкониятларидан самарали фойдаланиб, жамиятда ҳуқуқлар ва жавобгарлик тамойиллари тўғри шакллантирилган, кадриятларни шакллантириш ваколатлари тақсимланган. Давлат бошқарувидаги инновацияларнинг фойдаси тенглик, адолатни рағбатлантириш, давлат аҳамиятига эга бўлган мақсадларни излаш ва ижобий ўзгаришларни рағбатлантириш орқали уларнинг оқилона ва самарадорлигини баҳолашнинг энг яхши йўли ҳисобланади.

2019–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини Инновацион ривожлантириш стратегиясида Ўзбекистон Республикасини 2030 йилгача инновацион ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари ҳам тасдиқланган бўлиб, унга кўра, жумладан, мамлакатимиз ҳозирда давлат курилиши соҳасида Жаҳон банкининг давлат бошқаруви индикаторларидан Government effectiveness (Ҳукуматнинг самарадорлиги) бўйича 2015 йилда 16,1 фоиз кўрсаткичда баҳоланган бўлса, 2030 йилга бориб, ушбу кўрсаткич бўйича 70,0 фоизлик даражага чиқиш белгилангани ҳам бу борадаги мақсадларнинг қанчалик умуммиллий даражада аҳамиятга эга эканлигини намойиш этади. Инновацион ривожлантириш стратегиясида қайд этилган камчиликлар мамлакатимизнинг жадал инновацион ривожланишига, инвестицияларни жалб этишга, иқтисодиётнинг ўсиши ҳамда давлат ва жамият ҳаётининг бошқа соҳаларини ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда.

Ўзбекистонда маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятининг сиёсатшунослик ретроспектив таҳлили ижро ҳокимияти вертикал муносабатларининг ижобий томонларини тасдиқламоқда. Сўнгги йиллардаги маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигига бўлган талабнинг ортиши марказий ҳокимиятни “ҳокимият вертикали”ни

мустаҳкамлашга мажбур этмоқда. Шунингдек, маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари амал қилиши самарадорлигининг бош мезони – ҳудуд, минтақа аҳолиси фаровонлиги ва ҳаёт даражасидир. Барча босқичдаги ижро ҳокимияти органларининг мансабдор шахслари фаолиятининг асосий мезони эса мамлакат рақобатбардошлигини таъминлашдаги фаолияти натижасидир.

Маҳаллий ижроия ҳокимиятининг барча даражадаги органлари фаолиятида инновацияларни жорий қилишга ички ижтимоий-сиёсий омиллар таъсир кўрсатади. Салбий таъсир кўрсатувчи омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин: 1) давлат бошқарувини модернизациялашни секинлаштирувчи маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятидаги ортиқча бюрократизм; 2) давлат ҳокимияти органларининг барча босқичларига сингиб кетган коррупциянинг сақланиб қилиши; 3) давлат ҳокимияти органлари фаолияти ва ваколатларини чегаралаш борасида амалдаги қонунчиликда айрим камчиликларнинг мавжудлиги; 4) маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини фуқаролик жамияти институтлари томонидан назорат қилиш имкониятларининг чеклангани.

Диссертацияда маҳаллий ижроия ҳокимияти фаолиятига инновацион технологияларнинг олиб кирилиши бошқарув жараёнларининг мураккаблашуви ва жамият ҳаётида бир вақтнинг ўзида уларнинг роли кучайиши билан боғлиқ ҳолда юзага келиши таҳлил қилинади. Ҳақиқатдан ҳам, шунчаки бошқарув технологиялари эмас, балки замонавий илмий билимларни кишиларнинг амалий тажрибаси ва ижодий салоҳияти билан боғловчи инновацион бошқарув технологиялари зарурлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. **Маҳаллий ижроия ҳокимиятининг инновацион технологиялари – бу тизимнинг бутун фаолияти самарадорлигини юксалтиришга йўналтирилган назарий изланишлар ва амалий усулларнинг бир бутун йўналишидир.**

Диссертацияда Ўзбекистонда давлат ва жамиятни ривожлантиришнинг замонавий шароитларида давлат бошқарувини ташкил этиш ҳамда амал қилишининг барча муҳим йўналишлари бўйича янги билимлар, ноу-хаулар ва бошқалардан фойдаланиш ҳисобига жамиятимизнинг олдинга ҳаракатини таъминлашга қодир бўлган инновацион фан талаб қилувчи технологияларни ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш талаб қилинаётган бир қатор муаммоли жиҳатлар кўрсатиб ўтилади. Маҳаллий ижроия ҳокимияти бошқарувида бунга ўхшаш инновацияларга эришиш вазирлик ва ҳокимият органлари регламентини ишлаб чиқишга, янги тузилмалар ва штатларни шакллантиришга, давлат бошқарувининг турғунлигига эмас, балки жадаллигини ҳисобга олишга асосланган янгиланган қоидалар бўйича тузилмавий бўлимлар тўғрисидаги махсус низомлар, хизмат йўриқномаларини, тегишли равишда, ҳуқуқий расмийлаштиришни тақозо этади.

Ҳозирги модернизациялаш вазифаларини амалга оширишда икки муҳим ҳолатни белгилаб олиш мумкин. Биринчидан, ҳудудларнинг инновацион ривожланиш моделига кириш механизмлари ва тенденциялари

шу қадар фарқлики, бу инновацион инвестицион мослаштирилган давлат сиёсатини амалга оширишни тақозо этади. Иккинчидан, иқтисодий инновацион ривожлантириш мақсадларини амалга оширишни фақат марказ ва унинг бошқарув органлари савий-ҳаракатлари билан таъминлашнинг иложи йўқ. Бу ерда маҳаллий даражадаги бошқарув органлари томонидан ҳам манфаатли иштирок этиш тақозо этилади. Бу умумдавлат инновацион сиёсатига яхлитлик ҳамда манфаатлар мувозанати тусини беради.

Диссертациянинг учинчи боби **“Ўзбекистонда маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини институционал такомиллаштириш”** деб номланган.

Ушбу бобда мамлакатимизда давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш тўғрисидаги мунозараларда ушбу иборанинг маъноси билан боғлиқ бўлган чалкашликлар аниқланади. Хусусан, ислоҳот маъмурий салоҳиятни оширишдан кўра кўпроқ нарсани англатади ва инновация жараёни ҳақида эса, кўшилиш тўғрисидаги фикрлар мавжуд. Бу давлат секторини ташкил қилиш тўғрисидаги икки хил тушунчага бориб тақалади ва улар функционал равишда бир-бирига боғланган. “Давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш” бу – давлат секторини ташкил этишнинг барча жиҳатларини, шу жумладан, вазирликлар ва қўмиталар, ташкилотлар, тизимлар, жараёнлар, мақсадлар ва уларнинг даврий тизимда қандай назорат қилиниши ва ислоҳ қилишни ўз ичига олган кенг тушунчадир. Одатда, маъмурият расмий равишда тасдиқланган, буюртма қилинган ва ташкиллаштирилган давлат секторидagi фаолиятни мувофиқлаштиришга тааллуқли бўлади; иккинчи томондан, умумий даражада таҳлил қилинмаган ва кўриб чиқилмаган маъмурий инновация бу сектор даражасида амалга ошириладиган жараёнлар, шунинг учун ҳам аниқ секторга хос инновация ўз шаклини қандай олишини белгилайди. Шундан келиб чиққан ҳолда тадқиқотда инновациялар давлат бошқаруви ислоҳотларидан бири сифатида кўриб чиқилади.

Фикримизча, давлат бошқарувидаги инновацияларнинг энг илғор концепцияларида ҳам инновацияларни одатдаги ўзгаришлардан ажратишимизга имкон берадиган танлов механизмлари ва бошқа жараёнларнинг қандай амалга оширилиши батафсил кўриб чиқилмаган. Битта ислоҳот доирасидаги янгилик бошқа бир доирада мазмунга эга бўлмаслиги мумкин. Кўпинча, инновацияларни ислоҳотлардан ажратиб турадиган норматив мулоҳазалар кўзга ташланиб туради: инновация ижобий саналганлиги учун муваффақиятли ислоҳот инновацион деб қабул қилиниши керак.

